

САГДУЛЛАЕВА Дилфуза Каримуллаевна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
катта ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)
E-mail: dilfuzasagdullaeva@gmail.com.

“ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ” АСАРИДАГИ АРАБИЙ ЎЗЛАШМАЛАРДАН ҲОСИЛ БЎЛГАН БИРЛИКЛАРНИНГ ДЕРИВАЦИОН ХУСУСИЯТИ

ДЕРИВАЦИОННЫЕ СВОЙСТВА ЕДИНИЦ, СОЗДАНЫХ НА ОСНОВЕ АРАБСКИХ ЗАИМСТВОВАНИЙ В ПРОИЗВЕДЕНИЯ “ҚИСАСИ РАБҒУЗИ»

THE DERIVATIONAL FEATURES OF UNITS, ESTABLISHED ON THE BASIS OF ARABIC LOANWORDS OF “QISASI RABGUZI”

Аннотация: “Қисаси Рабғузий” асарида қўлланган арабий ўзлашма иштирокида ҳосил бўлган бирликларнинг деривацион тадқиқи XIV-XV асрлар туркий тиллар тизимидаги арабча сўзларнинг қандай ўзгаришга учраганлигини аниқлашга хизмат қилади. Мақолада “Қисаси Рабғузий” асарида туркий феъл ҳосил қилишда қўлланган арабча масдар, сифатдош ва сифатларнинг морфологик таҳлили араб тилшунослиги нуқтаи назаридан амалга оширилган. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш ва компонент таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Калит сўзлар: арабий ўзлашмалар, исм туркуми, туркий кўмакчи феъл, масдар, сифатдош, сифат, деривация, морфология.

Аннотация: Деривационное исследование единиц, образованных при участии арабской ассимиляции, использованное в работе «Қисаси рабғузи», служит для определения того, как менялись арабские слова в тюркской языковой системе XIV-XV вв. В статье проведен морфологический анализ арабских инфинитивов, прилагательных и прилагательных, используемых при образовании турецких глаголов в произведении «Қисаси Рабғузи»,

с позиций арабского языкознания. Для уточнения темы исследования использовались методы описательного и компонентного анализа.

Ключевые слова: арабские заимствования, имя существительное, тюркский вспомогательный глагол, масдар (имя действия), причастие, имя прилагательное, деривация, морфология.

Annotation: The investigation of derivational features of the units, created with the participation of Arabic loanwords of “Qisasi Rabguzi”, serve to define the changes, made with Arabic words in the system of Turkic languages of the XIV-XV centuries. The article introduced a morphological analysis of Arabic masdar (category of action), participle and pronouns, being used for establishment of Turkic verb in “Qisasi Rabguzi” from the viewpoint of Arabic linguistics. The methods of classification and component analysis were utilized to reveal the subject of the research.

Key words: Arabic loanwords, the noun, Turkic auxiliary verb, masdar (category of action), participle, pronoun, derivation, morphology.

КИРИШ

Умумхалқ тилининг ривожланиши доим унинг бошқа тиллар билан ўзаро алоқаларининг кенгайиши билан боғлиқ ҳолда давом этади. Бошқа тилдан олинган сўзлар ё ўша тилда ўз шаклини қандай бўлса, шундайлигича сақлайди ёки унинг лексик тизими, табиати, грамматик қурилиши, сўз ясалиши ва имло қоидаларига уйғунлашади [8:34].

“Қисаси Рабғузий” асаридаги арабий ўзлашмалар иштирокида ҳосил бўлган ясалмаларнинг морфологик тадқиқи XIV-XV асрлар туркий тиллар тизимидаги арабча сўзларнинг қандай ўзгаришга учраганлигини аниқлашга хизмат қилади. Асарда арабча ўзлашма асосига туркий ва форсий сўзларни бириктириш асосида ҳосил бўлган бир қатор ясалмалар аниқланди. Мазкур ясалмаларни ҳосил қилишда қўлланган арабий ўзлашмаларнинг маълум қисми ёдгорлик тилига шу даражада сингиб кетганки, улар туркий кўшимчалар билан бирикиб янги сўзлар ҳосил қилишда фаол қатнашган ва туркий лексема билан тенг қўлланган [2:72]. Б.Абдушукуров ўзининг тадқиқотида арабча сўзлардан туркий аффикслар ёрдамида ясалган 108 та лексема қўлланганлигини аниқлаб, форсча-тожикча ва арабча лексемаларга қўшилиб, от, сифат ҳамда феъл ҳосил қилишда иштирок этган фаол туркий аффикслар юзасидан илмий хулосаларини келтиради [2:72].

АСОСИЙ ҚИСМ

Тадқиқот жараёнида туркий лексема ҳосил қилишда иштирок этган арабча ўзлашмаларнинг фаол ва нофаол морфологик қолиплари аниқланди. Асарда арабча ўзлашма асосига туркий сўзлар қўшиш орқали ҳосил қилинган лексемаларнинг аксариятини қўшма феъллар ташкил этади. Феъллар отлар каби кадимтуркий. Чунки улар туркий тилларнинг пайдо бўлиш даврларидан бошлаб, ўзларининг грамматик қурилиш жиҳатидан энг тараққий қилган сўз туркумларидан бўлган [1:130]. Академик Э. Фозиловнинг фикрича, феъл ясашда қўлланадиган морфологик (аффиксация орқали) ва синтактик (композицион) усулдан морфологик йўл билан феъл яшаш обидалар тилида маҳсулдор усул ҳисобланади [10:128].

“Қисаси Рабғузӣй” асарида эса арабча ўзлашма асосида туркий сўзлар бириктириш орқали ҳосил қилинган феълларнинг кўпчилигини композиция усулида ясалган феъллар ташкил қилади. Асарда арабча асос билан бирикиб янги лексика ҳосил бўлишида иштирок этган *al-, ber-, bol-, yetil-, yetkür-, iz-, kel-, keltür-, keç-, kör-, qal-, qil-, sindur-, tap-, tegür-, tüz-, tut-, ur-* каби 18 та кўмакчи феъл ёрдамида ҳосил бўлган *alınur sabāq* “сабоқ олинур” (2v6¹), *ijāzat berdi* “пухсат берди” (177v5), *favt boldi* “туғади” (140v21), *ilhām yetildi* “кўнгилига солди” (6v14), *naf’ yetkürmək* “фойда келтирмоқ” (201r5), *tahiyat izdi* “салом юборди” (63v19), *gālib kelürmiz* “ғолиб бўламиз” (112v8), *imān keltürdi* (113r5), *taqşır kečmäsün* “янглишлик ўтмасин” (130r2), *fāyida körsälär* (168v17), *hayrān qaldı* (75v21), *va’da qilmış* (120v14), *’ahd sindürdilar* “аҳдлашдилар” (114v2), *hidāyat taptı* “хидоятга эришди” (195v17), *zahmat tegürmädi* “машаққат етказмади” (30v10), *makr tüzdi* “алдов режасини тузди” (84r4), *majlis tutar* “мажлис қилар” (168r7), *had urdilar* “чегара тортдилар” (235r16) каби феъллар қўлланган.

Qil- ва *bol-* кўмакчи феъллари арабча ўзлашма негизига бирикиб, феъл ҳосил қилишда иштирок этган энг маҳсулдор лексемалар ҳисобланади. Бу лексемалар билан кўшма феъл ҳосил қилишда иштирок этган арабий ўзлашмаларнинг морфологик таҳлили натижасида қуйидагилар аниқланди.

Qil- кўмакчи феъли ёрдамида [исм туркуми + туркий феъл] модели билан 284 та ва [арабча

феъл + туркий феъл] модели билан 1 та кўшма феъл ҳосил бўлган. Туркий тилда феъл ҳосил қилишда синтактик усул етакчилик қилгани боис, арабча феълларнинг мазкур тилга ўзлашиш жараёни қийин масала. Лекин шунга қарамай, асарда [арабча феъл + туркий феъл] модели асосида бешинчи бобга оид تَبَرَّأَ феъли *tabarrā’ qilurlar* шаклида қўлланган. *Qiyāmat küni yaman eš qoldaş bir birindän tabarrā’ qilurlar*. – «Қиёмат куни ёмон дўстлар бир-бирларидан воз кечадилар» (196r1). Мазкур кўшма феълнинг биринчи компоненти تَبَرَّأَ *tabarrā’a* феъли қўлёзмада ҳаракатлар билан кўчирилган.

Туркий кўшма феъл ясашда энг кўп ўзлашган лексемалар «исм» туркумига мансуб. Тадқиқот жараёнида *qil-* кўмакчи феъли билан янги лексема ҳосил қилишда биринчи боб ва унинг ҳосилалари, хусусан, масдар, сифатдош ва сифатларнинг қуйидаги қолиплари аниқланди.

Масдарлар. Биринчи боб феълнинг 24 та масдар қолипи орқали 182 та туркий феъл ҳосил бўлган. Жумладан, فَعَّلَ fa’l(un) қолипи кўмагида:

’aqd qilip (135r13), *dafn qildilar* (56r4), *vaqf qilur erdilär* (166v6), *qabq qildi* (20v1), *qasq qildi* (46r3), *man’ qildi* (185v11) каби 33 та;

فَعَّلَ fa’la(tun) қолипи кўмагида *sajda qılmaq* (167v17), *tavba qılğıl* (111v12), *hamla qilurlar* (69r3), *va’da qilmış* (120v14) каби 18 та;

فَعَّلَ fi’l(un) қолипи иштирокида *zikr qilur erdi* (143v10), *fikr qilsa* (95r14) каби 2 та;

فَعَّلَ fi’lat(un) қолипи иштирокида *hiyla(h) qildi* (51r11), *hişsa(h) qildi* (13v16), *qibla(h) qil* (76r10), *hijrat qilur* (232v1) сингари 16 та;

فَعَّلَ fu’l(un) қолипи кўмагида *muhr qildi* (26r15), *hukm qilsa* (50r12), *şukr qildik* (214r5), *ğusl qildi* (176v20) каби 8 та;

فَعَّلَ fu’lat(un) қолипи иштирокида *qubla(h) qildi* (236r10), *xuṭba(h) qildi* (7v21), *tuhmat qildim* (108r17), *hujjat qildilar* (174r5) каби 7 та;

فَعَّلَ fa’āl(un) қолипи иштирокида *halāk qilur* (180v14), *tavāf qilsa* (52v14), *azāb qilursan* (166r14) каби 19 та;

’afفَعَّلَala(tun) қолипи иштирокида *havāla(h) qilsa* (132r4), *qanā’at qilsa* (132v11), *karāmat qilğay* (176r12) каби 7 та;

’fiفَعَّلāl(un) қолипи иштирокида *binā qildi* (52v2), *fidā qildim* (50v20), *xilāf qilmas* (212r6), *nikāh qilip* (215r14) ибак (01 та);

’fiفَعَّلalat(un) қолипи кўмагида *rivāyat qilurlar* (180v8), *kifāyat qilğay* (180r12), *jināyat qildi* (55r11), *’ibādat qildi* (177v9) каби 11 та;

¹ Изоҳ. Қўлёзма варағи ва қаторлар сони

ʼuf فَعَّلَ(un) қолипи иштирокида *duā qildi* (166r13), *suvāl qildilar* (7v10) каби 2 та;

(nu)liʼfam مَفْعَلٌ қолипи асосида *masjid qildi* (210v21), *majlis qilar* (124v15) каби 2 та;

(nu)laʼaf فَعَّلَ қолипи иштирокида *badal qildim* (172r20), *galaṭ qilipsan* (191r15), *farah qildi* (91v12) каби 10 та;

(nu)talaʼaf فَعَّلَ қолипи иштирокида *ḥarakat qilsa* (171v2), *ḡalaba qildi* (69r1), *nafaqa qilḡaysan* (222v10) каби 5 та;

ʼaf فَعَّلَ(un) қолипи иштирокида *vazīr qilayin* (153v4), *ṣaḥf qilḡay* (209v12) каби 2 та;

ʼaf فَعَّلَ(un) қолипида *vaṣiyyat qildi* (244r10), *naṣiḥat qilursan* (94v13), каби 3 та;

lʼuf فَعَّلَان(un) қолипида *qurbān qilmaq* (50v17), *buṣṭān qildi* (210r11) каби 3 та;

ʼuf فَعَّلَ(un) қолипида *xusūmat qiliṣti* (164r19), *uqubat qilsa* (11v19) каби 2 та;

ʼaf فَعَّلَ(un), lʼaf فَعَّلَى, (nut)alaʼfam مَفْعَلَةٌ lʼaf فَعَّلَان(un), (nu)liʼaf فَعَّلَ, (nut)aliʼfam مَفْعَلَةٌ қолиплари иштирокида *qabūl qildi* (135r13), *daʼvā qilursan* (51v14), *(01āmat qilurlar* (59r14), *maʼṣiyat qildilar* (30r20), *malik qilayin* (70v19), *qalqan qilur erdi* (223v21) каби биттадан феъл ҳосил бўлган. Бундан кўриниб турибдики, биринчи боб феълининг (nu)lʼaf فَعَّلَ қолипи масдари қўшма феъл ҳосил қилишда махсулдор қолип ҳисобланади.

Qil- феъли ёрдамида иккинчи боб феъли масдари ʼfat فَعَّلَ(un) ва (nut)aliʼfat فَعَّلَ қолипи билан ҳосил бўлган қўшма феъллар миқдори 15 тани ташкил қилиб, бу биринчи боб феълидан кейин қўшма феъл ясашда фаол иштирок этган қолиплардан бири ҳисобланади. Асарда мазкур қолиплар асосида ҳосил бўлган *taʼlim qildi* (174v14), *taʼbir qil* (186v20), *taṣnif qildi* (138r14), *taqṣir qildi* (147v17), *taqdīr qilmish* (tayibrat, (02v9 (1v421) *ralidliq* (h)ayibʼat, (61v581) *rulīq* каби қўшма феъллар қўлланган. Таъкидлаш жоизки, «1. тайёрламок; 2. ҳозирламок; 3. тўлдирмок, қопга солмок (Ан-найм, 517)» маъноларидаги *aʼabbaʼ* تعبئة ҳамзали феълидан ҳосил бўлган *taʼibʼat* туркий тилга учинчи ўзак ундоши [u] товушига ўзгарган ҳолда ўзлашган.

Маълумки, учинчи боб феълининг масдар қолиплари *fum مَفَاعَلَة* alat(un) ва ʼfi فَعَّلَ(un) бўлиб, асарда *qil-* феъли билан ʼfi فَعَّلَ(un) қолипидаги масдарлар ёрдамида ҳосил бўлган феъллар учрамади. *fum مَفَاعَلَة* alat(un) қолипи асосида *munāzara(h) qilur* (233v8), *muqābala(h)*

qildilar (166r9), *muṣāhada(h) qilsunlar* (211v21), *muʼāmala(h) qilur* (134v8) каби 11 та қўшма феъл ҳосил бўлган.

Асарда тўртинчи боб феълининг масдари ifʼāl(un) қолипида 8 та қўшма феъл ҳосил бўлиб, тўғри (саҳиҳ) феъл масдари кўмагида *ikrām qilsa* (123v8) каби битта қўшма феъл аниқланди. Мазкур боб иштирокидаги аксарият феъллар нотўғри (ғайри саҳиҳ) феълларнинг масдаридан ҳосил бўлиб, жумладан, иккиланган феълларнинг масдари кўмагида *igrār qilsalar* (208r4) сингари, ҳамзали феълларнинг масдари иштирокида *imlā qilḡil* (166r7), *isār qildin* (236v19), *ijlā qildilar* (228r12) каби қўшма феъллар қўлланган. Бўш (ажваф) феълларнинг масдар қолипи «tāʼun marbūta» билан тугаган [4:210] лиги боис, асар тилида бу турдаги қолип иштирокида *idāfat qilur* (9v3), *ijābat qilmish erdi* (ṣi, (31r5ārat qildi (169v12) каби қўшма феъллар ҳам қўлланганлигини кузатиш мумкин.

Бешинчи боб феъли масдари асосида *tafaḥḥuṣ qilmaduqi* (135v13), *tavaqquf qildilar* (168r15), *tafakkur qilip* (214v13), *tabassum qildi* (138v1) каби 11 та;

Олтинчи боб феъли масдари fat فاعل ul(un) қолипида *tavāduʼ qildilar* (107r12) каби 1 та;

Саккизинчи боб феъли масдари افتعال itfiāl(un) қолипида *iʼtimād qilmasman* (28r20), *ixtilāf qilmishlar* (217v2), *ittifāq qildilar* (219v16), *iltifāt qilmayin* (185v9), *ixtiyār qildin* (191v16) каби 7 та;

Ўнинчи боб масдари fiṣti استفعال al(un) қолипида *iṣtiḥzā(h) qildilar*, *iṣtinjā qilmaq* каби 2 та қўшма феъл ҳосил бўлган. Масалан: *Rasūlḡa kāfirlar iṣtiḥzā(h) qildilar* (203r20); *Āniḡ ücün tezāk birlä, süñük birlä iṣtinjā qilmaqni šarīʼat unamadi* (206r21).

Таъкидлаш жоизки, *iṣtiḥzā(h) qil-* қўшма феълининг арабча асоси тадқиқот манбасида адилкаш *hazhiṣti* استهزه кўчирилган. Маълумки, мазкур масдар араб ва форс тилларида استهزاء шаклига эга [11:314]. Сўз охиридаги [] – اءʼ] товуши ҳозирги ўзбек адабий тилига [o] тарзида мослашганига қарамай, асарда «харфи билан ифодаланган.

Асарда еттинчи ва тўққизинчи боб феълларининг масдар шакли асосида ҳосил бўлган феъллар учрамади.

Сифатдошлар. «Қисаси Рабғузий» асарида *qil-* кўмакчи феъли билан аниқ даража сифатдошлари асосида ҳосил қилинган 16 та

қўшма феъл аниқланди. Жумладан, биринчи боб феъли аниқ даража сифатдоши туркий қўшма феъл ҳосил қилишда фаол иштирок этган қолиплардан ҳисобланади. Мазкур қолип асосида ҳосил бўлган *hādir*, (61r861) *liğliq zāhir qildi* (88r22), *hāsil qilg'il* (144r2), *vājib qildi* (193r9) сингари феъллар кўп миқдорда қўлланган. Иккинчи боб аниқ даража сифатдоши (nu)li'afum *مفعل* қолипи билан *mu'akkil qildilar* (226v11), учинчи боб аниқ даража сифатдоши *mufā'il(un)* қолипи кўмагида *tunādiy qildirmaq* (221r31), бешинчи боб аниқ даража сифатдоши *mutafa'il(un)* қолипи билан *mutahayyir qildi* (138v13) каби қўшма феъллар ҳосил бўлган. Қолган бобларнинг аниқ даража сифатдоши билан ҳосил бўлган феъллар аниқланмади.

Феъл бобларининг мажхул даража сифатдошлари асосида ҳосил бўлган 17 амшўк ат феъл аниқланиб, бу аниқ даража сифатдошлари билан деярли тенг миқдорда феъл ҳосил бўлганидан дарак беради. *Qil*-феъли билан қўшма феъл ясашда аниқ даража сифатдошининг биринчи боби етакчилик қилган бўлса, мажхул даража сифатдоши орқали феъл ҳосил қилишда унинг иккинчи боби сермахсул ҳисобланади. Мазкур бобнинг (nu)la'afum *مفعل* қолипи иштирокида *muqarrar*, (7v231) *ralidliq namruliq rarrahum*, (91v202) *riireb uli'q farra'sum* (9v731) *idliq rahhasum*, (5v661) каби феъллар ҳосил бўлган. Биринчи боб мажхул даража сифатдоши'fam *مفعول*(un) қолипи иштирокида *ta'yub qilgayman* (48r7), *ma'srū' qildi* (194v17), *ma'sgūl qilma'g'il* (191v3), *ma'lūm qilayin* (191v4) каби феъллар ҳосил бўлган бўлса, саккизинчи боб мажхул даража сифатдошининг *مفتعل* (nu)la'atfum қолипи асосида *mu'tamad qildim* (84r8) каби феъллар ҳосил бўлган. Қолган бобларнинг мажхул даража сифатдоши билан ҳосил бўлган феъллар аниқланмади.

Сифатлар. Асарда туб сифатларнинг *فعل* (nu)l'afva 'af *أفعل*(un) иралпилоқ ёрдамида ҳосил бўлган *sahl qilgay* (225v17) каби битта, *qaviy qilayin* (63v21), *valiy qildi* (240r3), *asir qilgali* (180r2) каби 7 та қўшма феъл қўлланган.

Туркий тилда қўшма феъл ҳосил қилишда сермахсул кўмакчи феъллардан яна бири *bol*-кўмакчи феъли бўлиб, асарда бу феъл ёрдамида ҳосил бўлган 185 та қўшма феъл аниқланди. Биринчи боб масдарининг 'af *أفعل*(un) қолипи кўмагида *savāb boldi* (213v11), *harām*

boldi (*mat*, (2r51ām *bolur* (2 (51r51) каби 64 та қўшма феъл ҳосил бўлиб, *bol*- кўмакчи феъли билан ясалган қўшма феълларда мазкур қолип маҳсулдор ҳисобланади.

Асарда *al*- феъли билан бирикиб, ҳаракат-ҳолатнинг давомийлигини ифодалаган '*alīk alur erdilār* (67v2) қўшма феъли қўлланган. Унинг биринчи компоненти *la'* *ألى* олд кўмакчиси ва *ك* (*ik/ak*) эгалик олмошининг бирикувидан ҳосил бўлиб, “сенга, сенинг устингда” деган маънони ифодалайди. Ўзбек тилида мазкур сўз саломга қайтариладиган жавоб ҳисобланади [9:40]. Бу лексема туркий тилга ўзлашиш жараёнида от туркумидаги сўзга айланган.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, туркий тилнинг тараққий этиши ва ривожланишида араб тилининг аҳамияти чексиз. Асарда туркий феъл ҳосил қилишда аксарият исм туркумига оид арабий ўзлашмалардан кенг фойдаланилган. Хусусан, масдар, сифатдош ва сифатлар туркий кўмакчи феъллар билан муштарак ҳолда қўлланилиб, асар тилининг бойишига хизмат қилган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Абдурасулов Ё. Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси. –Тошкент, 2008.
 2. Абдушукуров Б. Қисаси Рабғузий лексикаси. –Тошкент, 2008.
 3. Аверьянов Ю. Хаджи Бекташ Вели и суфийское братство бекташийя. – Москва, 2011.
 4. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М.: Издательство восточной литературы, 2001.
 5. Nāsirūd-din bin Burhanūd-din Rabguzi. Kisasül-enbiya. I cilt. – Ankara, 1997.
 6. Nāsirūd-din bin Burhanūd-din Rabguzi. Kisasül-enbiya. II cilt. – Ankara, 1997.
 7. Содиков Қ. Туркий тил тарихи. –Тошкент, 2009.
 8. Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент, 1995.
 9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Тошкент, 1981.
 10. Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. –Тошкент, 1965.
- تهران، 4691 حسن عميد. فرهنگ فارسی عميد. – .